

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

№ 2/22

.2022 йил "18" август

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Бекобод шаҳар "Халқ таълими булими" номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари Саидов Мансур Бердимуродович бир томондан ва кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган "Бекобод Сармоя" МЧЖ номидан Низом асосида иш кўрувчи Я.Я.Ташматов иккинчи томондан Бекобод шаҳарида жойлашган 7-мактаб хожатхонасини жорий таъмирлаш ишларига доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада қуйидаги таърифлар қўлланилади:

ижро ҳужжатлари - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект таъмирланишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва аниқ ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

таъмирлаш майдони - мазкур шартнома доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг таъмирлаш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиладиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

вақтинчалик иншоотлар - Пудратчи томонидан таъмирлаш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини бўлиб чиқиш - ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига Бекобод шаҳар "Халқ таълими булими" тасарруфидаги 7- умумтаълим мактабининг ички хожатхоналари жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда ҚҚС билан жорий нархларда **47 000 000 (қирк етти миллион)** сўмни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

таъмирлаш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

объектнинг таъмирланиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш конун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи шартномада кўрсатилган объектлар бўйича жорий таъмирлаш ишларини Буюртмачига топширгандан кейин 1 йил давомида шартномада кўрсатилган

объектларда нуқсонлар пайдо бўлса, таъмирлаш ишлари Пудратчининг ўз маблағлари ҳисобидан бартараф этади.

V. БУЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ

8. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

9. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича объектларда жорий таъмирлаш ишларини тўлиқ тугаллангандан кейин, шартномада кўрсатилган объектларни йўл сифатини назорат қилиш лабораториясидан ўтказиш каби ишларни уз зиммасига олади.

Пудратчи томонидан шартномада кўрсатилган объектларда жорий таъмирлаш ишларини тўлиқ бажаргандан сўнг, Буюртмачи томонидан ишларни тўлиқ хужжатлар асосида қабул қилиб олади.

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

VI. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

10. Объектнинг шартномавий жорий қийматининг 100 фоизи учун Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш (таъмирлаш) тугаллангандан кейин ва объект қабул қилингандан кейин икки босқичда амалга оширилади.

-Томонлар уртасида шартнома имзолангандан сўнг ун кун муддат ичида “Буюртмачи” шартнома қийматининг 30%(уттиз) фоизидан кам бўлмаган маблағни “Пудратчига” тулаб бергандан сўнг мазкур объектда иш бошлайди.

-Объектни Буюртмачи қабул қилинган кундан бошлаб ун кун мобайнида маблағни қолган қисмини яъни - ишлар қийматининг 100% фоизи миқдорига;

11. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VII. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

12. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

13. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

14. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

VIII. ҚУРИЛИШИ (ТАЪМИРИ) ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

15. Қурилиши (таъмирланиши) тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши (таъмирланиши) тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

16. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

17. Пудратчи қурилиши (таъмирланиши) тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Пудратчи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

IX. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

18. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилиш (таъмирлаш)нинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

19. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

шартнома кучга киргандан кийин Буюртмачи томонидан молиялаштириш бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда.

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

20. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш (таъмирлаш) бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

21. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

22. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

23. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Шартнома амал қилиш муддати 31.12.2022 йилгача .

X. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКІЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

24. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

25. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0.04** фоизи миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг **50** фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

26. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг **30%** фоизи миқдорига жарима тўлайди.

27. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0.04** фоизи миқдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг **50** фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0.04 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

X. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

28. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

XI. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

29. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

30. Пудратчи қурилиш (таъмирлаш) объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

31. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

32. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

33. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

34. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

XII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

35. Ушбу шартномадан келиб чиқадиган барча низолар ва келишмовчиликлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

36. Ушбу шартнома бажарилмагани юзасидан чиқадиган низолар музокаралар йўли билан ҳал этилади. Низоларни бундай йўл билан ҳал этилмаган тақдирда шартнома шартлари бажарилиши юзасидан давогар яшовчи ҳудуддаги тегишли суд органлари томонидан кўриб чиқилади.

XIII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

Буюртмачи:

Бекобод шаҳар Халқ таълими бўлими

Манзил: Бекобод шаҳар Ғ.Ғулом кўчаси 310-уй

Р/с: 100022860274137092100075034

ИНН 200 461 459

Бекобод шаҳар Бўйича Ғазначилик бўлини маси

Банк: Марказий банк Тош 3 ХККМ

х/р 23402000300100001010

ИНН: 201 122 919

МФО: 00014

ОКЭД:

Директор:  М.Саидов

М.Ў



Пудратчи:

“Бекобод Сармоя” МЧЖ

Манзил: Бекобод т.Хос МФЙ

Р/с: 2020 8000 7053 2787 8001

Банк: АТИБ “Ипотека Банк” Бекобод фил.

ИНН: 308 078 252

МФО: 00 489

ОКЭД: 61 110

Директор:  Тошматов Я. Я

М.Ў



ЮРИДИК АҲАМИЯТГА ЭГА ХУЖЖАТЛАРНИНГ ҚОНУН
ХУЖЖАТЛАРИГА МУВОФИҚЛИГИ ТЎҒРИСИДА
ХУҚУҚИЙ ХУЛОСА

1. Лойиҳанинг тури: Шартнома.

Бекобод шаҳар Халқ таълими бўлими (кейинда "Буюртмачи") номидан Низом асосида иш кўрувчи нахбари Саидов Мансур Бердимуродович ва (кейинда "Пудратчи") "Бекобод Сармоя" МЧЖ (кейинда "Пудратчи") номидан Низом асосида иш кўрувчи Я.Я.Ташматовлар томонидан "Бекобод шаҳрида жойлашган 7-мактаб хожатхонасини жорий таъмирлаш ишларига доир" № 2/22 сонли пудрат шартномаси тузилгани тўғрисида.

3. Лойиҳа ишлаб чиқувчиси ва киритилган сана ҳақидаги маълумот.

Лойиҳа Бекобод шаҳар Халқ таълими бўлими томонидан 2022- йил 18-август куни ишлаб чиқилган ва дастурга киритилган. Лойиҳа амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва уни қабул қилиш мақсадга

Марказ бошлиғи



Н.У.Турсунов.

2022 йил "18" август.

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 133869 на приобретение 7-мактаб ички хожатхонаси жорий тамири

Слосиб провеченяи элдикронийид

Дата 15.08.2022

Время рассмотрения 15.08.2022 16:28

Конкурсная комиссия Бекобод шахар Халк таълими бўлими (распорядитель, Далте - Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	SABDOV MANSUR ВЕРДИМУРДОВЧИ	ХТВ муdiri	Бекобод шахар халк таъли бўлими
Секретарь комиссии	SELEUKHANOVA LAKHONISA ДИЛМУРАТОВЧИ	ювб. пайхавчи	Бекобод шахар халк таъли бўлими
Член комиссии	ROZILOVA BA'YO ВАДИЛЛАТОВА	дават харажатлари буянча мутлаксик	Бекобод шахар халк таъли бўлими
Член комиссии	ILSHAYOVICH LAMONIR АБДУЛДИМОНОВЧИ	шарба муdiri	Бекобод шахар халк таъли бўлими
Член комиссии	NOTLOVA UMIDA АВДУКАДУЛОВА	ювб. пайхавчи	Бекобод шахар халк таъли бўлими
Член комиссии	RASHIDOVA DILBOLM НОРАЙЛОВА	ювб. инспектор професи буянча	Бекобод шахар халк таъли бўлими

Рассмотрев поступивших предложений со стороны Участников по опубликованному объявлению на специалном информационном портале от 15.08.2022 года № лота 133869.

Метод оценки предложений – Балльный метод (Весовой коэффициент: техническо-квалификационной части: 70,00 / Весовой коэффициент: 30,00)

Мин. балл: 25

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту сауны		
Подробное описание	7-мактаб жорий тамири		
Количество товара	1,00		
Единица измерения			
Цена товара (услуги) за единицу	47 693 148,00		
Стартовая сумма	47 693 148,00		
Валюта	UZS		

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участники присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Таълимий объектга ўхшаш объектларда охириги 3 баллик иш таърифиси

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ВЕКОВОД САРМОУА МСШ	25	47000000	20	Экспертная		
MEYOR-STANDART-SERVIS MSH	25	47693000	20	Экспертная		

Критерий №2 Докиий равишда ишловчи ходимлар 12 тадан кам бўлмаган маълум ишчилар мавжудлиги шу маънада дастурга киритилганлигиндан нусха

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ВЕКОВОД САРМОУА МСШ	20	47000000	10	Экспертная		
MEYOR-STANDART-SERVIS MSH	20	47693000	10	Экспертная		

Критерий №3 ЎРК 684-47 баъдида асосан инфографик рўхатида эмисияги тўғрисида маълумотнома (эълонга кўйилган давр учун)

Тип: Текстовое значение

Описание: rd

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ВЕКОВОД САРМОУА МСШ	25	47000000	20	Экспертная		
MEYOR-STANDART-SERVIS MSH	25	47693000	10	Экспертная		

Критерий №4 Коррупцион хатарларга йўл қўйилмаслиги тўғрисида иштирокчилнинг ёзма тасдиқланган ахвали

Тип: Текстовое значение

Описание: rd

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ВЕКОВОД САРМОУА МСШ	20	47000000	20	Экспертная		
MEYOR-STANDART-SERVIS MSH	20	47693000	10	Экспертная		

Критерий №5 Қўшимш маълумотни қўрилганлиги ва лойиҳани ўрганганлиги тўғрисида маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: pdf

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ВЕКОВОД САВМУОВА МСНД	20	4700000	20	Экспертная		
МЕТУОР-СТАНДАРТ-SERVIS МСНД	20	47693000	10	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Сторгова сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ВЕКОВОД САВМУОВА МСНД	47 693 149.00	47 000 000.00	47 000 000.00	00.00	47 000 000.00	11.08.2022 17:07:29	30.00
МЕТУОР-СТАНДАРТ-SERVIS МСНД	47 693 149.00	47 693 000.00	47 693 000.00	00.00	47 693 000.00	15.08.2022 10:51:47	29.56

Итоговая оценка участников включая финансовую часть составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ВЕКОВОД САВМУОВА МСНД	57.2726	30	87.2726
МЕТУОР-СТАНДАРТ-SERVIS МСНД	38.1813	29.56	67.7415

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 133669 от 15.08.2022 года на приобретение 7-матриб джи хожатонаси жорий таъмири определила победителем:

ВЕКОВОД САВМУОВА МСНД
308078252

и резервный исполнитель: МЕТУОР-СТАНДАРТ-SERVIS МСНД (091758788)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	САЙДУВ МАНСУР ВЕДИМКОРДОВУЧИ	Согласен	
Член комиссии	ГОЗИЛОВА ВАНО ИВДИЛЛАЕВНА	Согласен	
Член комиссии	ДУШИЯРОВЕВ ДАУНИВ АВДИЛИМОНОВУЧИ	Согласен	
Член комиссии	РО-ЛОТОВА УМИДА АВДИКАТУМОНОВА	Согласен	
Член комиссии	РАСИЛОВА ДИЛОВОН НОРАЛТЕВНА	Согласен	

Комиссия раиси
Котиб

М.Саидов
Р.Фозилова

Аъзолари

Ж.Сулаймонов
Д.Расулова
Ж.Душабоев
У.Пўлатова

Кун тартибида:

Давлат харидлари тўғрисидаги қонуннинг 62-моддасига асосан Бекобод шаҳар Халқ таълими бўлими харид комиссиясига тақдим этилган муҳокама натижалари тўғрисидаги ахборот асосида лот рақами **22110012133869** га тегишли бўлган **15.08.2022** йилдаги баённома давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки кун иш кунига жойлаштирилганлиги тўғрисида.

Эшитилди комиссия раиси:

Лот рақами **22110012133869** га тегишли бўлган **15.08.2022** йилдаги баённома давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди ва икки иш кун ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмаганлигини билдириб ўтди.

Комиссия қарор қилади

1. Лот рақами **22110012133869** га тегишли бўлган **15.08.2022** йилдаги баённомадаги харид комиссияси томонидан қолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузиш мақсадга мувофиқ деб топилсин ва **“ВЕКОВОД SARMOYA”** МЧЖ билан шартнома имзолансин.
2. Лойиҳа ва смета ҳужжатлари талабга жавоб бермаган ҳолатда шартнома бекор қилинсин.

Комиссия раиси

Котиб

Аъзолари



М.Саидов

Р.Фозилова

Ж.Сулаймонов

Д.Расулова

Ж.Душабоев

У.Пўлатова